

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА) № 1

Бухоро туман

« 18 » « январь » 2022 йил

" DASTI SAXO" МЧЖ ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбар Ш.Эргашев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Бухоро Туман Тиббиёт Бирлашмаси корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи С.С.Сафаров. (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Мазкур шартнома буйича «Бажарувчи» «Буюртмачи»га 2021 йил довомида "Аутсоринг асосида озик овқат ва бошқа егуликлар" хизматлари учун курсатиш. «Буюртмачи» ушбу «Хизматлар»ни қабул қилиш ва қийматини тулаш мажбуриятини уз зиммасинига олади.

1.2 «Хизматлар»нинг аниқ турлари.уларнинг сони. сифати ва нархи мазкур шартноманинг тарқий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

1.3. «Хизматлар»ни курсатиш муддати: 2021 йил " 1 " «ноябрь»дан " 31 " « декабрь » гача амалга оширилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
 - 2.1.2. «Бажарувчи»дан «Хизматлар» « Буюртмачи »нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
 - 2.1.3. «Бажарувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомга мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган «Хизматлар» кўрсатилишини талаб қилиш;
 - 2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган «Хизматлар» шунга ўхшаш «Хизматлар» билан алмаштирилишини;
 - «Хизматлар»нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар «Буюртмачи» ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
 - 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.
- 2.2. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:
- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджет маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
 - 2.2.2. Ўз буюртманомаси буйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
 - 2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх буйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг 3 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомга мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бўлиmidан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш;
- 2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 5 кун муддатда экинчи тузатиб бериш.
- 2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида қоида қура 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 121 000 000 (Бир юз йигирма бир миллион эллик минг сум) сумни ташкил этади. Курсатиладиган «Хизматлар»нинг баҳоси мазкур шартномага иловада курсатилган. 3.2 «Буюртмачи» кўрсатиладиган «Хизматлар» туркуми суммасининг 30 фоизи яни 36 300 000 сум миқдорида 2022 йилнинг январь ойида олдиндан ҳақ тўлайди ва Кўрсатилган «Хизматлар» учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин «Хизматлар» туркуми суммасининг 70 фоизи яъни 84 700 000 сум миқдорида 2022 йилнинг 31 январьгача якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган «Хизматлар» учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. «Хизматлар» қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. «Буюртма»чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана «Хизматлар»га ҳақ тўлаш бўйича «Буюртмачи» мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. «Буюртмачи» муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган «Хизматлар»ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда «Хизматлар» кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган «Хизматлар» ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган «Хизматлар»нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай «Хизматлар» «Буюртмачи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган «Хизматлар» бевосита «Буюртмачи»нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган «Хизматлар» миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган «Хизматлар» кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки «Буюртмачи»нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда «Бажарувчи» Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда «Бажарувчи»нинг ходими «Буюртмачи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.
- 4.8. «Буюртмачи» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд «Хизматлар»нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Бажарувчи»ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. «Хизматлар» кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Бажарувчи» «Буюртмачи»га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган «Хизматлар»нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га «Хизматлар» кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган «Хизматлар» қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва «Хизматлар» кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган «Хизматлар» учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Буюртмачи» «Бажарувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекмининг 122- моддасига асосан руйхатидан утказилгандан сунг қонуний қучга қиради ва 2021 йил 13 декабрьдан 2022 йил 31 декабргача амалда булади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар руйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

IX. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

“Бажарувчи”
:" DASTI SAXO" МЧЖ
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Бухоро шаҳар А.Жомий 7/2- уй

Тел./факс 99-700-75-55
х/в -20208000305348921001
Банк номи: Бухоро ш . ОАТБ « Агро банк»

Маблағ олувчи стирини 308222342
ОКОНХ 14965

МФО 00089

Раҳбар

Ш.Эргашев
(имзо)

М.Ў.



«Буюртмачи»
Бухоро Туман Тиббиёт Бирлашмаси
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Галя Осиё шаҳар Фитрат 17 уй

Тел./факс 54-25-753,54-25-903
ш/х*100022860062077073101054001
Банк номи : Марказий банк Тошкент шаҳар
Бош Бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи200868797
ОКОНХ 91511
Ҳазначилик бўлинмаси номи:Бухоро туман
буйича Ҳазначилик бўлинмаси

Ҳазна х/в 23402000300100001010

МФО 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар
(лавозим)

(имзо)

М.Ў.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро туман тиббиёт
бирлашма раҳбари


С.С.Сафаров
(имзо)

Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти учун Аутсорсинг асосида озик овкат махсулотларн ва бошка егуликлар билан таъминлаш хизмат нархларини Энг мақбул таклифларни танлаб олиш буйича идоравий танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ

2022 йил « 17 » январь

Бухоро тумани

Таркиб	Лавозими	Ф.И.Ш
Раиси:	Бош ҳаким	С.С.Сафаров
Комиссия аъзолари:	Бош ҳаким муовуни	А.А.Шукруллаев
	Касаба уюшма раиси	У.Хамроев
	Хужалик ишлар буйича бош муовуни	Ю.Рузиев.
	Катта хамшира	Н.Алимова

КУН ТАРТИБИ:

Энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали бюджет ташкилоти фаолияти учун Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси фаолияти учун Аутсорсинг асосида озик овкат махсулотларн ва бошка егуликлар билан таъминлаш хизмат нархларини аниқлаш,

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиби-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Низом”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидларини тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2850-сон билан рўйхатга олинган “ Бюджет тизими бюджетларининг Ҳазна ижроси қоидалари”га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентги ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхат буйича **Аутсорсинг асосида озик овкат махсулотларн ва бошка егуликлар билан таъминлаш хизмат нархларини - буюртмачи тузадиган идоравий танлов** комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни танлаб олиш орқали амалга оширилиши лозимлиги .

Шунга асосан, танлов савдосига тақдим этилган етказиб берувчиларнинг таклифларидаги нархларини идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган энг мақбул таклифларни таққослаб қўрилди:

Лот номери	Товар ва хизмат			Етказиб берувчилар таклифи бир бирлик нархи (сумда)		
	Номи	Ўлчов бирлиги	сони	« DASTI SAXO» МЧЖ	“BUXORO TOZA SIFAT” МЧЖ	«TRADE MAX UNIVERSAL” МЧЖ
	Бухоро туман Тиббиёт бирлашмаси Аутсорсинг асосида озик овкат махсулотлари ва бошка егуликлар билан таъминлаш	Усл,	1	121000000	121500000	121600000

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 1.Юқорида танлов савдосига тақдим этилган хизмат курсатувчиларнинг таклифларидаги нархларини солиштирма (рақобат) варақасига асосан « DASTI SAXO» МЧЖ таъминотчи савдо ғолиби ҳисоблансин.
2. Танлов якунлари буйича ушбу таъминотчи билан 121 000 000 сумга шартнома тузиш ташкилот бош ҳисобчиси С.Саидов томонидан музоқорага киришилсин.
- 3.Танлов комиссиясининг баённомаси ўқиб берилди ва тўғри тузилди деб тан олинди.

ИМЗОЛАР:

Раиси:

С.С.Сафаров

(Ф.И.Ш)


Комиссия аъзолари:

А.А.Шукруллаев

У.Хамроев

Рузиев .Ю

Н.Алимова


(имзо)